
Раиснинг ташаббуси билан ночор оилага янги уй қуриб берилмоқда

???? Халқимизнинг эзгу қадриятлари қўллаб-қувватлаш қалбларга шодумонлик улашмоқда. Қийналганларга кўмак бериш, кўнглини кўтариш, оғир дамларда суянчиқ бўлиш халқимизга хос фазилатлардан. Бу қадим анъналар кейинги йилларда янада қулоқ ёймоқда, янги ташаббуслар, саховатли амаллар қўллаб-қувватланяпти. * “Қошқайрон” МФЙ раиси Дилмурод Ҳамраев ташаббуси билан ушбу маҳаллада яшовчи эҳтиёжманд оилалардан бири бўлган Бахтиёржон Аҳмедовга ҳар томонлама қулайликка эга бўлган янги уй қуриб берилмоқда. Бундан икки ой олдин кучли ёмғир ёғиши оқибатида ушбу фуқаронинг уйи аянчли авҳолга келиб қолганди. МФЙ раиси ташаббусига кўра, ушбу оилани ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлаш учун хайр-саховат маблағлари ва ҳашар йўли орқали уй қуриб бериш фикри пайдо бўлди. Табиийки, мазкур ташаббус маҳаллада яшовчи саховатли инсонлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди ва барча қулайликларни ўзида мужассам этган уй лойиҳаси тайёрланди. Шундан кейин хайр-саховат маблағлари ва ҳашар йўли орқали уй қурилиш ишлари олиб борилиб, туман ҳокимлиги, маҳалла аҳли ва хомийларнинг ёрдами билан янги уй қуриб берилмоқда. ???? - Қурилиш ишларини маҳаллий усталаримиз олиб боришмоқда, - дейди “Қошқайрон” МФЙ раиси. - Маҳалламизнинг тажрибали қурувчилари бетон қуйиш, уй деворини кўтариш, томнинг устини ёпиш, пол-патолок қоқиш, эшик ва дераза ромларини ўрнатиш ишларини олиб боришди. Натижада, маҳалламизда чиройли уй қад кўтармоқда. ???? - Бундай кўмакдан бошимиз осмонга етди, - дейди уй эгаси Бахтиёржон Аҳмедов қувончини яшираолмай. -“Маҳалланг - ота-онанг” деб бежиз айтилмаган экан. Маҳалламиз раиси бошлиқ маҳалла фаоллари, бизга ёрдам қўлини чўзган маҳалладошларимиз ва айниқса туманимиз раҳбарларидан чексиз миннатдоримиз. Беғубор замонда шундай бағри кенг инсонлар орасида бахтли яшаётганимиздан мамнунимиз.

2023-01-10 13:41:49